

“ШАРҒУН КЎМИР” АЖ акциядорларининг
Навбатдан ташқари умумий йиғилиши
БАЁННОМАСИ № 2

2025 йил 26 сентябрь Соат 16-00

Шарғун шаҳри, “Шарофобод” МФЙ
Минор кўчаси 35-уй

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи
акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони:

14 989 243 дона

Йиғилишда қатнашганлар:

Зоиров Садриддин Умарович - Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари (2025-йил 19-сентябрдаги 02/09-2-17/644-сонли ишончномага асосан).

Шундан умумий йиғилишда Жамиятга шахсан иштирок этиш учун ташриф буюрган акциядорлар ва ёки уларнинг вакиллари эга бўлган овозларнинг сони: **14 979 717 дона**.

Санок комиссияси раиси Х.Х. Каримов сўзга чиқиб, жамиятнинг умумий овоз берувчи акциялар сони **14 989 243 дона** эканлигини, шундан умумий йиғилишда қатнашиш учун **14 979 717 дона** акцияларнинг эгалари рўйхатдан ўтиб, ушбу йиғилишда иштирок этаётганлигини, бу акциялар умумий сонининг **99,9** фоизини ташкил этишини ва акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ваколатли деб топиш учун кворум мавжудлигини маълум қилди.

Амалдаги қонунчиликка ва жамият уставига мувофиқ жамият кузатув кенгаши раиси Р.П.Юсупов акциядорларнинг умумий йиғилишига раислик қилди.

Йиғилиш раиси Р.П. Юсупов кворум мавжудлигини эътиборга олиб, акциядорларнинг умумий йиғилишини очик деб эълон қилди ва умумий йиғилиш раёсатига 3 кишини яъни, Р.П. Юсупов, М.А. Азизкулов, М.Р. Пардаевларни сайлашни таклиф қилди.

Раёсат аъзолари бир овоздан тасдиқланди. Йиғилиш котиблигига Х.А. Ташкулов сайланди.

КУН ТАРТИБИ:

1. Санок комиссияси аъзоларининг сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.

2. Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.

3. “Шарғункўмир” АЖ устав капиталини камайтириш.

4. Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш.

5. “Шарғункўмир” АЖ устав капиталининг камайтирилиши муносабати билан 2012-йил 27-августда Р0717-3-сон ҳамда 2024-йил 03-апрелда

JO223-4-сон билан рўйхатга олинган “Шарғункўмир” АЖ қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорларига ўзгартиришлар киритиш ҳамда “Шарғункўмир” АЖ қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар матнини тасдиқлаш.

Кун тартибидаги 1-масала бўйича, Жамият акциядорларнинг умумий йиғилиши санок комиссияси таркибига Х.Х.Каримов, Б.С.Нормаматов ва Р.У.Исмадияровларнинг номзодлари тавсия этилганлигини ва акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибидаги ушбу масалалар Жамиятга шахсан иштирок этиш учун ташриф буюрган акциядорлар ва ёки уларнинг вакилларида ушбу учта номзодлардан иборат санок комиссиясини сайлаш тўғрисида таклифини маъқуллашди. Ушбу номзодларни тасдиқлаш учун овозга қўйилди.

Жамиятга шахсан иштирок этиш учун ташриф буюрган акциядорлар ва ёки уларнинг вакиллари эга бўлган **жами овоз бериш натижаси:**

Тарафдорлар – 14 979 717 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги биринчи масала бўйича қўйидаги
Қарор қабул қилинди:**

Акциядорларнинг умумий йиғилиши санок комиссияси Х.Х. Каримов, Б.С.Нормаматов ва Р.У.Исмадияровлардан иборат таркиби тасдиқлансин.

Кун тартибидаги 2-масала бўйича, Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартиби Жамиятга шахсан иштирок этиш учун ташриф буюрган акциядорлар ва ёки уларнинг вакиллари таништирилган ва акциядорлар умумий йиғилишининг қўйидаги регламентини тасдиқлаш учун овозга қўйилган:

Кун тартибидаги барча масалалар буйича маърузачига 2 дақиқа, қўшимча савол ва жавоблар учун 2 дақиқа.

Жамиятга шахсан иштирок этиш учун ташриф буюрган акциядорлар ва ёки уларнинг вакиллари эга бўлган **жами овоз бериш натижаси:**

Тарафдорлар – 14 979 717 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги иккинчи масала бўйича қўйидаги
Қарор қабул қилинди:**

Жамият акциядорларининг умумий йиғилишини ўтказиш регламенти қўйидагича тасдиқлансин:

Сўзга чиққан маърузачига 2 дақиқа, қўшимча савол ва жавоблар учун 2 дақиқа.

Кун тартибидаги 3-масала юзасидан Жамият бош директорининг иқтисод ва молия ишлари бўйича ўринбосари Ж.Ю. Шойматов сўзга чиқиб, қўйидагиларни гапирди:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024-йил 19-апрелдаги ПҚ-162-сон қарорининг 1-иловасига мувофиқ “Бойсункўмир” МЧЖ устав



капиталидаги 100 фоиз улуш оммавий савдолар орқали сотилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024-йил 19-апрелдаги ПҚ-162-сон қарор ижросини таъминлаш юзасидан Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш давлат комиссиясининг 2025-йил 25-февралда 17-сонли мажлиси ўтказилган ва тегишли қарорлар қабул қилинган.

Давлат комиссиясининг қарорида “Бойсункўмир” МЧЖ устав капиталидаги “Шарғункўмир” АЖнинг улушини номинал (баланс) қийматига “Шарғункўмир” АЖнинг давлат улушини камайтириш ҳисобига давактив агентлигига ўтказиш масаласини жамиятнинг тегишли бошқарув органлари йиғилишида кўриб чиқиш белгиланган.

Юқоридаги қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида “Шарғункўмир” АЖ Кузатув кенгашининг 2025-йил 22-июндаги 18-сонли қарори билан “Бойсункўмир” МЧЖ устав капиталидаги “Шарғункўмир” АЖнинг 12 759 644 905 сўмлик улуши Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказиб берилган бўлиб, иккинчи босқичда “Шарғункўмир” акциядорлик жамиятидаги давлат улушини Жамиятнинг “Бойсункўмир” масъулияти чекланган жамияти устав капиталидаги Давактив агентлигига номинал қийматда ўтказиб берилган улуши ҳисобига камайтириш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига асосан Жамиятнинг устав капиталини камайтириш масаласи Жамият акциядорлари умумий йиғилишининг мутлоқ ваколатига киритилганлигини инобатга олиб, “Шарғункўмир” акциядорлик жамияти устав капиталидаги давлат улушини Жамиятнинг бир дона оддий акциясининг номинал қиймати 1000 сўм бўлганлиги сабабли 12 759 645 000 сўмга ёки Жамиятнинг 12 759 645 дона оддий акцияларини қисқартириш ва уларни бекор қилиш йўли билан камайтириш лозим.

“Шарғункўмир” акциядорлик жамияти томонидан Давлат активларини бошқариш агентлигининг қисқартирилаётган акциялари ва Агентликка ўтказиб берилган активнинг умумий қиймати орасидаги 95 сўм фарқ жамият акцияларининг кейинги чиқаришларида ёки устав фондини камайтирилишида давлат улуши сифатида инобатга олинади.

Акциядорлар ўзаро фикр алмашувидан сўнг ушбу масалани тасдиқлаш учун овозга қўйилди ва бир овоздан маъқулланди.

Жамиятга шахсан иштирок этиш учун ташриф буюрган акциядорлар ва ёки уларнинг вакиллари эга бўлган **жами овоз бериш натижаси:**

Тарафдорлар – 14 979 717 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.



**Умумий йиғилиш кун тартибидаги учинчи масала бўйича қўйидаги
Қарор қабул қилинди:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024-йил 19-апрелдаги ПҚ-162-сон қарор ижросини таъминлаш юзасидан Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш давлат комиссиясининг 2025-йил 25-февралда 17-сонли мажлиси баёнида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида “Шарғункўмир” акциядорлик жамияти устав капиталидаги 12 759 645 000 сўмни ташкил этувчи 12 759 645 дона оддий акцияларини қисқартириш ва уларни бекор қилиш йўли билан жамият устав капиталидаги Давлат активларини бошқариш агентлигининг улуши ҳисобига камайтирилсин.

3.1. Жамият Давлат активларини бошқариш агентлигининг қисқартирилаётган акциялари ва Агентликка ўтказиб берилган активнинг умумий қиймати орасидаги 95 сўм фарқ жамият акцияларининг кейинги чиқаришларида ёки устав фондини камайтирилишида давлат улуши сифатида инобатга олинсин.

Кун тартибидаги 4-масала юзасидан Жамият акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи Х.А. Ташкулов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024-йил 19-апрелдаги ПҚ-162 қарорни ижросини таъминлаш юзасидан Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш давлат комиссиясининг 2025-йил 25-февралда 17-сонли мажлиси баёнида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида “Шарғункўмир” акциядорлик жамиятидаги давлат улушининг камайтирилиши муносабати билан амалдаги қонунчилик талабларига кўра Жамиятнинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш лозимлигини маълум қилди (янги тахрирдаги устав илова қилинади).

Муҳокамадан сўнг йиғилиш қатнашчилари томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 59-моддасига мувофиқ жамиятнинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасида эканлиги инобатга олган ҳолда жамиятнинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш масаласи бўйича овоз бериш таклиф қилинди.

Акциядорлар ўзаро фикр алмашуvidан сўнг ушбу масала тасдиқлаш учун овозга қўйилди ва бир овоздан маъқулланди.

Жамиятга шахсан иштирок этиш учун ташриф буюрган акциядорлар ва ёки уларнинг вакиллари эга бўлган **жами овоз бериш натижаси:**

Тарафдорлар – 14 979 717 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича қўйидаги
Қарор қабул қилинди:**

Жамият ижроия органига:

“Шарғункўмир” АЖнинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлансин.



4.1. Жамият Бошқаруви Янги таҳрирдаги Уставни белгиланган тартибда ва муддатда Давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

Кун тартибидаги 5-масала юзасидан Жамият бош директорининг иқтисод ва молия ишлари бўйича ўринбосари Ж.Ю. Шойматов сўзга чиқиб, “Шарғункўмир” АЖ устав капиталининг камайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ҳамда “Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозларни давлат рўйхатидан ўтказиш Қоидалари”га асосан 2012-йил 27-августда J0223-3-сон (P0717-3-сон) ҳамда 2024-йил 03-апрелда J0223-4-сон билан рўйхатга олинган “Шарғункўмир” АЖ қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорларига ўзгартиришлар киритиш лозимлигини маълум қилди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда қарорларга киритилаётган ўзгартиришлар матнини иловага мувофиқ тасдиқлаш лозимлиги таъкидланди (ўзгартиришлар матни илова қилинади).

Акциядорлар ўзаро фикр алмашуvidан сўнг ушбу масалани тасдиқлаш учун овозга қўйилди ва бир овоздан маъқулланди.

Жамиятга шахсан иштирок этиш учун ташриф буюрган акциядорлар ва ёки уларнинг вакиллари эга бўлган **жами овоз бериш натижаси:**


Тарафдорлар – **14 979 717** та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

Умумий йиғилиш кун тартибидаги бешинчи масала бўйича қўйидаги Қарор қабул қилинди:

“Шарғункўмир” АЖ устав капиталининг камайтирилиши муносабати билан 2012-йил 27-августда J0223-3-сон (P0717-3-сон) ҳамда 2024-йил 03-апрелда J0223-4-сон билан рўйхатга олинган “Шарғункўмир” АЖ қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорларига ўзгартиришлар киритилсин ҳамда “Шарғункўмир” АЖ қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар матни иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5.1. Аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқаришларига киритилган ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчаларнинг матнини тасдиқлаш ваколати жамият кузатув кенгаши раиси Р.П. Юсуповга берилсин.

Мажлис раиси:



Р.П.Юсупов

Мажлис котиби:



Х.А.Ташкулов

Баённома тузилган ва имзоланган сана “ 2 ” октябр 2025 йил.

“ШАРҒУНКЎМИР” АЖ